2014 йил 31 октябрь, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 211 (12.772)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




*«Ўзэкспомарказ»да VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давом этмоқда.*

Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

## ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИМОТЛАР ВА ФОЙДАЛИ КЕЛИШУВЛАР

Ушбу тадбирнинг учинчи кунида «Ўзбекэнерго» ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниялари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» ва «Ўзагромашсервис» уюшмалари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбеккўмир», «Технолог» ва «Агрегат заводи» акциядорлик жамиятлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари корхоналарининг тақдимотлари бўлиб ўтди.

Тадбирларда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу форум ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини кучайтириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, корхоналар ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энергетика тармоғини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, энергия тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш ва соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси маҳсулотларини соҳанинг ўнлаб корхоналари стендлари билан тақдим этмоқда. Бу ерда замонавий электр техникаси жиҳозлари – изоляторлар, трансформаторлар, электрон ҳисоблагичлар, юқори чидамли материаллар, эҳтиёт қисмлар, шунингдек, энергия тежайдиган диодли лампалар ва қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган сув иситгичлар намойиш қилинмоқда. Компания вакиллари бу маҳсулотларга катта қизиқиш билдирилаётгани ва 400 миллиард сўмликдан зиёд шартномалар тузилганини таъкидлади.

Нефть-газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Мустақиллик йилларида соҳада амалга оширилган туб ислоҳотлар самарасида биргина 2013 йилда 2,8 миллиард АҚШ долларидан зиёд ҳажмда сармоялар ўзлаштирилди. Бу прогноз кўрсаткичларидан 11 фоиз кўпдир. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси хорижий компаниялар билан биргаликда геология-қидирув, нефть ва газ конларини ўзлаштириш борасида йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда минерал ўғитлар, сунъий тола, полимер материаллар, энергетика, кимё, тоғ-кон саноати учун зарур бўлган кимёвий реагентлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, дефолиантлар, пахтачиликда ишлатиладиган плёнка сингари бир юз элликдан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

– Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси тармоқ корхоналари вакиллари ва бошқа соҳалар субъектлари билан мулоқотлар ўтказиш, шунингдек, хорижий компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун яхши имкониятлар тақдим қилмоқда, – дейди «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият бошқармаси бошлиғи Б.Набиев. – Хусусан, бугун Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари компаниялари билан йигирмадан ортиқ шартнома имзоладик.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини кенгайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш учун уларга зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий кўмак бериш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида ўзаро фойдали музокаралар олиб борилиб, янги шартномалар имзоланмоқда.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## БЎЛИБ ЎТАЖАК САЙЛОВЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

***Яқинда мамлакатимизнинг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилажак сайловлар мавзусига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Америка бизнес тизими вакиллари, «Америка овози» телерадиоканалининг ўзбек таҳририяти, «Ватандош» газетасининг ходимларидан иборат ватандошлар иштирок этдилар.***

Брифинг чоғида шу йилнинг декабрида Ўзбекистонда бўлиб ўтажак сайловлар, уларга тайёргарлик жараёнлари билан боғлиқ батафсил маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуи бўлди. Тадбирда Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг асослари ва Олий Мажлиснинг кенгайтирилган ваколатлари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Ватандошларимиз АҚШ ҳудудида, яъни Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида ташкил этиладиган сайлов участкаларида овоз бериш жараёнининг ташкилий жиҳатлари ҳақидаги батафсил маълумотларга эга бўлганлари баробарида овоз беришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида уларга тегишли консуллик-ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тадбир чоғида ўзбек диаспорасига мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалар ҳақида батафсил маълумотлар берадиган шундай тадбирларнинг аҳамияти катта эканлиги қайд этилди.

**«Ватандош» газетасининг муҳаррири Ф. Султонов** сайловолди жараёнлари, шунингдек, сайловларда иштирок этаётган партиялар номзодларининг сиёсий платформалари тўғрисида ватандошларимизни ўз вақтида хабардор этиш масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг Америкадаги дипломатия ваколатхоналари билан фаол ҳамкорликка тайёр эканлигини маълум қилди.

**Жаҳон банкининг ходими Ф.Эшбекова** республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида парламент ҳамда сиёсий партиялар тутган ўрин, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар брифингнинг кўплаб иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотганлигини қайд этди. Унинг айтишича, ана шу ўзгартиришлар дунёдаги ривожланган демократик мамлакатларнинг энг яхши қонунчилик амалиётини қўллаш борасидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

**Ж. Вашингтон университетининг магистранти Д.Зокиров** элчихонада ўтказилган ушбу тадбир ҳам нафақат республика ҳудудида, балки хорижий элларда истиқомат қиладиган барча фуқароларнинг сиёсий ва конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон ҳукуматининг фаол эканлигидан далолат беришини таъкидлади.

Брифинг иштирокчилари ўзларининг сайлаш ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда овоз бериш куни сайлов участкасига келиш ниятида эканликларини маълум қилдилар.

**«Жаҳон» АА,**
Вашингтон

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида ҳудудий семинар ўтказилди.**

**● Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

**● Наманган вилоятининг Наманган туманида кузги шудгорлаш ишларини ташкил этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**● Нукусда «Камалак юлдузлари» мамлакат болалар ижодиёти фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. Унда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 287 нафар иқтидорли ёш иштирок этди.**

**● Самарқандда «Тиббий паразитология ва юқумли касалликларнинг замонавий муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● Лондон полицияси икки қаватли автобусни ўғирлаган жиноятчини қидирмоқда. У эркак киши бўлиб, жамоат транспортини тонгда олиб қочган ва шаҳарнинг жанубий қисмидаги кўчалар бўйлаб бир неча дақиқа ҳаракатланган. Жиноятчи 11 километрдан кўпроқ масофани босиб ўтгач, автобусни йўлда қолдириб кетган.**

**● Япониянинг «Honda Motor Co.» автомобилсозлик компанияси жорий молиявий йилдаги фаолиятига оид айрим прогноз кўрсаткичларини пасайтирди. Хусусан, ушбу даврда компаниянинг соф фойдаси ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 1,6 фоиз камайиб, 5,2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилиши кутилмоқда.**

**● Кореялик ёш ёзувчи Ли Ун Соннинг «Munhakkwa Jisong» нашриёти томонидан чоп этилган «Балтика-9» деб номланган дастлабки китоби китобхонларга тақдим этилди. 32 ёшли ёзувчи Ли Ун Сон бир муддат Ўзбекистонда корейс тилидан дарс бериб, юртига қайтган эди. Унинг асарларида ўзбекистонликлар ҳаёти, турмуш тарзи ва одатлари ҳикоя қилинади.**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли мамлакатимиз ёшлари онгу шуурида она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғулари шаклланиб, уларнинг халқаро майдонларда Ўзбекистон номини улуғлашга бўлган иштиёқ ҳамда интилишлари тобора юксалиб бормоқда. Турли халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида вакилларимизнинг зафар қучиб, мустақил юртимиз шуҳратини дунёга ёйишга ҳисса қўшаётгани бунинг ёрқин далилидир.***

## ХАЛҚАРО ГИМНАСТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ АНЖУМАНИ

**Хабар қилинганидек, Тошкентда Халқаро гимнастика федерацияси 80-конгресси бошланди**

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланмоқда. Халқаро гимнастика федерацияси саксонинчи конгресси Ўзбекистонда ўтказилаётганида ҳам катта маъно бор. Бу мамлакатимизда спорт, хусусан, гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир эътирофидир.

Бугунги кунда Халқаро гимнастика федерациясига 140 дан зиёд миллий федерация аъзо. Конгрессда саксондан ортиқ мамлакатдан 240 га яқин делегат қатнашмоқда.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Л.Каримова-Тиллаева, Халқаро гимнастика федерацияси президенти, профессор Б.Гранди ва бошқалар Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Бугун нафақат шаҳарларда, балки олис ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуаларига кўзингиз тушади. Ўзбекистонда болалар ва ёшларни спортга жалб қилиш бўйича уч босқичли тизим шакллантирилди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари нафақат етук спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш мактабига, айни вақтда жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омилига айланди.

Гимнастиканинг барча турлари ушбу вазифани бажаришда муҳим роль ўйнайди. Негаки, ушбу спорт тури билан шуғулланиш нафақат инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллантиради, балки унинг феъл-атвори, энг яхши фазилатларини ривожлантиради, иродасини чиниқтиради, олдига қўйган мақсадига эришишга интилишини кучайтиради.

Халқаро гимнастика федерацияси бош котиби Андре Гюйсбюлер Ўзбекистон гимнастика федерацияси ушбу спорт турининг барча асосий йўналишларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётганини ва бугунги анжуман юксак савияда ташкил этилганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

# ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш доирасида матбуот анжуманлари ўтказиб келинмоқда. Шундай тадбирнинг навбатдагиси Учтепа тумани мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтди.***

Унда туманнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция имкониятлари, кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳамда бошқа масалалар хусусида сўз юритилди.

Учтепа туманида бугунги кунда кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, уй меҳнатининг барча шакллари яхши йўлга қўйилган. Ушбу соҳаларнинг ривожланаётгани иқтисодиётига ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Туманда жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, турар жой ва ижтимоий объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида ўтган давр мобайнида саноат маҳсулотлари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, инвестициялар киритиш, хизмат кўрсатиш ва ҳудудий экспортда бирмунча ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли бандлиги таъминланиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари режага мувофиқ олиб борилди.

Туманда 53 та маҳалла бўлиб, шундан 17 таси кўп қаватли уйлардан ташкил топган. Ушбу кўп қаватли уйларнинг томи, кириш йўлаклари, ертўласи ва бошқа таъмирталаб жойлари қайтадан таъмирланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, ёшларни ишга жойлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2014 йилнинг учинчи чорак якунларига кўра туманда 850 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 64 фоизи иш билан таъминланди, уларнинг қолган қисмининг ҳам бандлигини таъминлаш ишлари давом этмоқда. Бунда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорлик, уй меҳнатининг барча шакллари, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш каби омиллар муҳим ўрин эгаллайди.

Анжуманда журналистлар туманда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бунёдкорлик, янги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлар хусусида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Абдували СОДИҚОВ**



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

# ХАЛҚАРО ГИМНАСТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ АНЖУМАНИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон гимнастика федерацияси мамлакатимизда ушбу спортнинг барча асосий турлари – эркаклар ва аёллар спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, трамполин, акробатикани оммалаштиришга доир изчил ишларни амалга оширмоқда. Давлатимизнинг ҳар томонлама кўмагида бу борадаги фаолият умуммиллий миқёс касб этди. Иқтидорли спортчиларни аниқлашга ёрдам бераётган минтақавий ва республика мусобақалари мунтазам ўтказилаётир. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида гимнастика билан шуғулланиш учун халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган марказлар ташкил этилди, уларда ҳар куни минглаб ўғил-қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг энг истиқболли ва иқтидорлилари гимнастика бўйича ўсмирлар ва миллий терма жамоалар сафига қўшилмоқда. Нафақат спорт комплекслари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари, балки умумтаълим мактабларининг спорт залларини замонавий гимнастика инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

2007 йилда гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби ва 2011 йилда бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия заҳиралари спорт мактаби ташкил қилинди. 2009 йилдан буён гимнастиканинг барча турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари олимпиадага тайёрлаш маркази ҳисобланган гимнастика саройида шуғулланиш ҳамда йирик мусобақаларни ўтказиш имкониятига эга бўлди.

Жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, мураббийлар малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада истиқболли илмий ва тиббий янгиликларни ўрганиш, спортчиларни тайёрлаш, спорт ускуналарини ишлаб чиқаришга жорий этиш – буларнинг барчаси спортни янада оммалаштириш, саломатлик омилига айлантиришга хизмат қилаётир. Ўзбекистон гимнастика федерацияси шу мақсадда Халқаро гимнастика федерацияси ва Осиё гимнастика иттифоқи томонидан ўтказилаётган халқаро форумларда фаол иштирок этиб келмоқда. Илғор тажрибани оммалаштириш учун пойтахтимиз ва вилоятларда халқаро ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирокида мураббийлар ва ҳакамлар учун семинарлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон вакилларининг гимнастика бўйича қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ошиб бормоқда. Яқинда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз жамоавий баҳсларда қитъамизнинг етакчи спортчиларини ортда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди. Спорт гимнастикаси бўйича баҳсларда Антон Фокин брусда мураккаб машқларни муваффақиятли бажариб, 15.475 балл тўплади. Бу мусобақанинг энг яхши натижаларидан бўлиб, Ўзбекистон спортчисига шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилиш имконини берди. Оксана Чусовитина юксак маҳоратини намойиш этиб, таяниб сакраш машқлари бўйича кумуш медални қўлга киритди.

Абдулла Азимов эса алоҳида предметларда машқ бажаришда юқори натижа кўрсатиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Конгрессда Халқаро гимнастика федерациясининг янги таҳрирдаги низоми тасдиқланади.

Дунёда гимнастиканинг барча йўналишларини ривожлантириш, Халқаро гимнастика федерациясига янги аъзоларни қабул қилиш ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинади. Ушбу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш, спортчиларни тайёрлаш даражасини ошириш ва шу мақсадда энг илғор спорт, илмий ҳамда тиббиёт технологияларидан фойдаланиш учун миллий гимнастика федерацияларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

***Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг муҳим бўғинига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, ишбилармонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

**Қарор ва ижро**

# ИМТИЁЗЛАР ТАРАҚҚИЁТГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧМОҚДА

Жумладан, кейинги пайтларда қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўплаб енгиллик ҳамда имтиёзлар яратилган бўлиб, уларнинг қўлланилиши натижасида бўшаган маблағларнинг корхоналар ихтиёрига қолдирилиши ва ушбу маблағлардан корхоналарни модернизация қилиш, техник-технологик томондан ривожлантириш, хом ашё базасини кенгайтириш, ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш йўлида фойдаланиши соҳа тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар асосида 1108 та корхона жами 74 703,8 миллион сўмлик имтиёзлардан фойдаланган.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси йўлида туманда «Muxiddinov F.P», «Burgut plus», «Myasodeloff», «Shermetov business production», «Meat food group» каби бешта корхона гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланмоқда. 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида ушбу корхоналарнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми 2 192 154,8 минг сўмни ташкил этиб, қарор асосида солиқлардан жами 58 674,0 минг сўм имтиёзлар қўлланган. Мазкур корхоналарда шу муддат ичида қўшимча 31 та янги иш ўринлари ташкил этилган. Корхоналар томонидан ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, кенгайтириш ва янги технологияларни жорий этиш мақсадида ҳамда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга жами 58 674,0 минг сўм сарфланган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган. 2014 йил 1 октябрь ҳолатига тумандаги 4946 та юридик шахс электрон рақамли имзога эга бўлиб, улардан 4798 таси ҳисобот йилида жами 103 875 та солиқ ҳисоботларини туман ДСИга тақдим этганлар. Электрон рақамли имзоси мавжуд бўлган юридик шахслар ҳисобот топшириш мажбуриятларига эга юридик шахсларнинг 97 фоизини ташкил этади. Ушбу йўналиш бўйича ишлар давом этмоқда.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**Мирзо Улуғбек туман ДСИ**
**бошлиғи ўринбосари**

# ИННОВАЦИЯ — 2014 ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ САМАРАЛИ ЎТДИ

***Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида мамлакатимизда инновацион ривожланиш жараёнларини жадаллаштириш, санъатчилар, олимлар, тадбиркорлар ҳамкорликлари самарадорлигини оширишга қаратилган анъанавий «Инновация-2014» XIX халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий жараён ва бу борадаги муаммоларнинг муваффақиятли ечимини топиш, фаолиятимизнинг турли жабҳаларида синалган технологияларни жорий этиш, инновацион-инвестицион инфратузилмани ҳар томонлама ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, валюта ресурсларини тежаш, аксарият ҳолларда инновацион фаолият ва омиллар, жамиятнинг инновацион маданияти ва миллий инновацион тизимнинг самарадорлиги ва жадал ривожига боғлиқдир.

Анжуман Стратегик инновациялар ва информатизация маркази директори, олий мактаб Халқаро фанлар академияси академиги А.Қодиров, олимлар С.Нечипуренко (Қозоғистон), М.Тян (Корея Республикаси) ва бошқаларнинг долзарб мавзудаги маърузалари билан бошланди. Тадбир давомида таълим ва ёшлар муаммолари, иқтисод соҳаларидаги инновацион жараёнлар, ёнилғи-энергетика, минерал хом ашё ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоларининг ечими учун инновацион усуллар ва технологиялар, кончилик иши ва металлургия, объектлар ва технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, математик моделлаштириш ва тизимли таҳлил, информацион технологиялар ва тизимлар ҳамда уларнинг амалий жиҳатлари, информацион хавфсизлик муаммолари, сув, чўллар-экология муаммолари ва ечимлар каби шўъбаларда 200 га яқин маъруза ва бошқа илмий чиқишлар тақдим этилди. Анжуманда нафақат Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятларимиздан топширилган ишлар, шунингдек, Германия, Россия, Украина, Белоруссия, Жанубий Корея, Қозоғистон каби давлатлар вакилларининг илмий-амалий ишлари ҳам муҳокамага қўйилди.

Илмий анжуман материалларининг анъанага мувофиқ бу йил ҳам илмий мақолалар тўплами сифатида чоп этилиб тарқатилганлиги тажриба алмашиш, инновацион маданиятни шакллантириш, фаннинг ютуқларини жамланган ҳолда кўрсатиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига, кўплаб ёшларни инновацияга жалб қилишга хизмат қилади.

***Кейинги йилларда талаба-ёшлар фаоллашиб, яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, ижодда муваффақиятларга эришаётганлиги тасвирий санъат бўйича кўргазмаларда намойиш қилинган асарларда кўзга ташланмоқда. Ана шундай фаол талабалардан бири К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 3-босқич талабаси Ҳуснора Илҳомжонованинг «Илҳомланиш» деб номланган илк шахсий кўргазмаси ташкил этилди.***

**Ёшлар — келажагимиз**

# ТАЛАБАНИНГ ИЛК КЎРГАЗМАСИ

Кўргазманинг очилиш маросимида пойтахтдаги ўқув юртларининг ўқувчилари, талабалари, ўқитувчилари, турли касб эгалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирдаги давра суҳбатида таъкидланганидек, Ҳуснора фаол талабалардан. Серқирра ижоди намуналари сертификат, фахрий ёрлиқ, дипломлар билан тақдирланган. Ҳусноранинг айтишича кўргазмага қўйилган кулолчилик йўналишида тайёрланган турли буюмларда акс этган ижод намуналари кейинги 6 йил давомида, яъни Беньков номидаги республика рассомлик коллежида ва институтда ўқиётган йилларида «Устоз-шогирд» тизимида ишланган. Экспозицияга қўйилган 20 дан ортиқ асарлари орасидан «Ижод булоғи», «Оила», «Улфатлар», «Келин ва куёв» каби ўзига хос намуналар ўрин олган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

*Юнусобод тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2015 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон, 97-модда), «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон, 353-модда), Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон, 333-модда, 2010 йил 13-сон, 96-модда, 2011 йил 1-2-сон, 4-модда, 2012 йил 44-сон, 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2014 йил 8 октябрдаги йиғилиш баёнини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Юнусобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 300 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2582 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

Одам савдоси жабрдийдалари.

2. Юнусобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2015 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2014 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2015 йилнинг 10 апрелдан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхалари туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин.

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

иловадаги шахслар иш ўринлари бўйича туман бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан йўлланма асосида ишга жойлаштирилсин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Б.Мелиев):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Юнусобод туман ҳокимининг 2013 йил 30 сентябрдаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2014 йилга мўлжалланган иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 824-сон қарори 2014 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Халисов зиммасига юклансин.

**Юнусобод тумани ҳокими**
**Ш.Азимджанов**

*2014 йил 20 октябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

